

Кореяда инглиз тилини ўқитиш одатда устувор аҳамият касб этади, чунки бу халқаро бизнес ва фан тили ҳисобланади ва инглиз тилини билиш иш билан таъминлаш, университетга кириш ва ижтимоий мавқе учун жуда муҳимдир. Ҳукумат юқори сифатли инглиз тилини ўқитишни мунтазам равишда рағбатлантирмоқда ва бундан олдинги ҳукуматлар томонидан мактабларда инглиз тилини асосий ўқув тили қилиб олиш бўйича таклифлар бўлган. Ўз навбатида кўплаб оилалар фарзандларига инглиз тилини ўргатиш мақсадида, хусусий репетиторликка катта миқдордаги пул сарфлайдилар. Ҳозирда кўплаб корейс болалари бошланғич таълимга киришдан олдин болалар боғчасида инглиз тилини ўрганишни бошлайдилар. Инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқиш шунчалик ошдики, 2018 йилда Корея ҳукумати учинчи синфгача инглиз тилини ўргатишни тақиқлаб қўйди, чунки бу ўқувчиларнинг корейс тилини яхши билмаслиги ёки ўз она тилида гапира олиш қобилияти пасайишига олиб келди. Расмий равишда, Кореянинг барча мактабларида инглиз тили учинчи синфдан бошлаб ўқитилиши жорий этилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдурахмонов К.Х., Додобоев Ю.Т. Корея Республикаси: Маданияти, сиёсати, иқтисодиёти. Тошкент, 2006 йил, 5-53 бетлар.
2. Абдурахмонов К.Х., Додобоев Ю.Т. Развития информационного технологи Корейский Республики и его значения для Узбекистана. Ташкент 2005 год, 50- 75 стр.
3. Абдурахмонов К.Х., Додобоев Ю.Т. Мировая экономика, Ташкент 2005 год, С.101 – 160.

Э.С. Жўраев, илмий раҳбар А.А. Раҳманов
Наманган муҳандислик-қурилиш институти
Наманган, Ўзбекистон
maclaren1988@mail.ru

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИДА ҲИСОБ ЮРИТИШ ВА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ МЕХАНИЗМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада маҳалла ўз-ўзини бошқариш тизимида замонавий ҳисобюритиш ва молиявий назорат тизими ташкил этилиши зарурлиги ва йўналишлари билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: маҳалла фуқаролар йиғини, ўз-ўзини бошқариш, молия-бюджет қонунчилиги, ҳисоб юритиш, молиявий назорат.

Маълумки, 2020 йил 18 февралда Президент Қарори билан мамлакатимизда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди [1]. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жаҳон амалиётида биринчи марта ташкил этилган маҳалла фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органларининг маҳалла тузилмаси аҳоли фаровонлигини таъминлашда, уни ижтимоий ҳимоя қилишда, маҳаллий ижтимоий инфраструктура орқали кўрсатилаётган соғлиқни сақлаш ва таълим хизматлари сифатини оширишда муҳим роль ўйнаб келмоқда.

Президентимиз Ш.М. Мирзиёвнинг ташаббуси билан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига эътибор янада кучайтирилмоқда ва янгича тус олмоқда. Жамият тараққиётида юқори бўғин (ҳокимлик) вазифалари аста-секин қуйи бошқарув идораларига (фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органларига) ўтказиш билан

жамиятни демократиялашда янги ва жуда катта имкониятлар яратилмоқда. Бу ўз навбатида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда ўз-ўзини бошқариш органлари ва уларнинг давлат бошқаруви ва нодавлат тузилмалар билан мулоқотлари ва бошқа алоқалари, шунингдек ахборот оқимини тамомила ўзгача шаклда олиб борилиши талаб этилмоқда.

Кейинги пайтларда давлат томонидан кетма-кет қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, маҳаллани моддий жиҳатдан қўллаб-қуватлаш, унинг идора усулини шакллантириш, ҳуқуқларини кенгайтириш ва мамлакат бошқарув тизимидаги иштирокини кучайтиришга қаратилди. Бундай жараён давлат томонидан қилинаётган ғамхўрлик, қонун ва кўрсатмаларни маҳаллаларга тезроқ етказиш ва улар ҳаётида фаровонлик, изчиллик ва юксалиш суръатини ўсиши учун хизмат қилади.

Бугунги кунга келиб, маҳалла фуқаролар йиғинлари давлат бошқарувининг биринчи бўғини, жойлардаги асосий таянчга айланиб бормоқда. Маълумки, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ёки маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолияти иқтисодий, молиявий базасиз тўлиқ амалга оширилиши қийин кечади. Шунинг учун ҳам уларга мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқи берилган. Ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан қурилган ва тасарруфига олинган ёки уларга берилган жамоат, ижтимоий ва хўжалик анжомлари кўчмас мулк ҳисобланади. Шундай жараённи қонуний назорат қилиш учун аниқ ҳисоб-китоб ишлари компьютерда амалга оширилиши ва бу ўз навбатида ахборот-коммуникация технологияларидан ва дастурий воситалардан фойдаланиш зарурлигини келтириб чиқаради.

Фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органлари аҳоли фаровонлигини таъминлашда, уни ижтимоий ҳимоя қилишда, маҳаллий ижтимоий инфраструктура орқали кўрсатилаётган соғлиқни сақлаш ва таълим хизматлари сифатини оширишда асосий роль ўйнамоқда. Мазкур соҳага давлат бюджетидан етарли молиявий ресурслар ажратиш, берилаётган маблағлардан тежаб-тергаб ва самарали фойдаланиш, фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органларини молиявий қувватлаш учун жалб этилаётган нодавлат маблағлардан самарали фойдаланиш ҳисоб юритиш ва молиявий назоратнинг пухта олиб борилишига таянади [2].

Айни пайтда, Ўзбекистонда, шу жумладан Наманган вилоятида маҳаллалар даражасидаги фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органларида ҳисоб юритиш энг оддий тарзда амалга оширилмоқда ва бу ўзини ўзи самарали ҳамда таъсирчан молиявий назорат имкониятларини кескин камайтирмоқда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида молиявий бошқарув ва ҳисоб тизимини замонавий андозалар асосида ташкил этилиши зарурияти мавжуд. Бу борадаги билимлар билан молиячи ходимларни, олий ўқув юртларида ва касб-ҳунар таълими тизимида молия йўналишида таълим олаётган бўлажак мутахассисларни қуроллантириш талаб этилмоқда.

Юқоридаги келтирилганлар замирида Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет кодекси», «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги, «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунлари талабларига мувофиқ равишда Наманган вилоятида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида бухгалтерия ҳисоби юритилишини такомиллаштириш бўйича тегишли кўрсатмалар ёки тавсияларни умумдавлат миқёсида чуқурроқ ишлаб чиқиш зарурияти туғилмоқда.

Шунга мувофиқ ҳолда мазкур мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этилиши талаб этилмоқда:

- Маҳаллалар даражасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида ҳисоб юритиш ва молиявий назоратни ташкил этиш ва такомиллаштиришнинг йўналишларини илмий асослаб бериш;

- Молия вазирлигининг тегишли таркибий тузилмаси бевосита раҳбарлигида маҳаллалар даражасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида замонавий тамойиллар асосида ҳисоб юритиш ва молиявий назоратни такомиллаштириш ҳақида методик қўлланмалар яратиш ва нашрдан чиқариш.

Бу вазифаларнинг ҳал этилиши мамлакатимиздаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари ва иқтисодчи мутахассисларнинг, молия йўналишидаги тайёрланаётган мутахассисларнинг замонавий бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назорат тизими бўйича билимларини шакллантирилиши орқали давлат бюджети маблағларининг самарали шакллантирилиши ва тежамли ишлатилишига эришилади, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида молиявий интизом мустаҳкамланиши учун хизмат қилади.

Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш учун қуйидаги вазифаларни амалга оширилиши лозим:

- маҳаллалар даражасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида ҳисоб юритиш ва молиявий назоратни ҳолатини ўрганиб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд молия-бюджет қонунчилигининг маҳалла шароитларида қўлланиши хусусиятлари ва муаммоларини тадқиқ этиш;

- фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида молиявий режалаштириш ва молиявий менежментнинг замонавий тамойиллари, усуллари ва дастаклари қўлланиши тажрибаси ва имкониятларини таҳлил этиш;

- молиявий назорат тизимининг таъсирчанлигини яхшилаш йўналишларини тадқиқ этиш.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий кафолатини таъминлаб берувчи Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг маҳалла фаолиятига оид қарорлари, шунингдек, “Маҳалла” жамғармаси тизимида молия, ҳисоб ва ҳисобот ишларини ҳамда бошқа ҳужжатларни талаб даражада олиб боришга қаратилган норматив ҳужжатлар мавжуд. Уларда ўзининг молия-ҳўжалик юритиш фаолиятидан келиб чиқиб, хусусан, ўзига мос равишда ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсатини олиб боришлари лозимлиги бу ҳужжатларда қайд этилади.

Ўзбекистон бухгалтерия ҳисоби ислохотлари шароитида нодавлат ва нотижорат ташкилот сифатида фаолият юритувчи “Маҳалла” жамғармаси учун ҳисоб сиёсатини ишлаб ишлаб чиқиш ниҳоятда қийин вазифа бўлиб, нафақат қонунчилик ва норматив актлар, булардан ташқари бухгалтерия ҳисобини ташкил этишга доир бошқа жиҳатларни ҳам ўрганиб чиқишни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4602-сонли Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.